

Дунё уламолари Бухорога йиғилди



16:17 / 26.11.2023 2147

Халқаро мусулмон уламолар кенгаши ва Абу Даби Тинчлик форумининг уламолари, Ўзбекистон, Миср, Озарбайжон, Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон каби мамлакатлар муфтийлари, таниқли уламолар, исломшунос тадқиқотчи ва диний соҳа вакиллари Бухоро шаҳрига ташриф буюрдилар. Меҳмонлар Бухородаги сафарларини Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари мақбарасини зиёрат қилишдан бошладилар.

Мажмуада Қуръони Карим оятларидан тиловат ўқилиб, дуолар қилинди. Шундан сўнг уламолар «Баҳоуддин Нақшбанд» жомеъ масжидида пешин намозини адо этишди.

Зиёрат асносида меҳмонларга масжид ва мадраса тарихи ҳақида маълумотлар берилди.

Айни вақтда Мир Араб мадрасасининг 500 йиллигига бағишланган «Боқий Бухоронинг ислом цивилизациясидаги ўрни» мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтмоқда.

Анжуманда Халқаро мусулмон уламолар кенгаши ва Абу Даби Тинчлик форумининг обрў-эътиборли уламолари, Ўзбекистон, Миср, Озарбайжон, Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон сингари мамлакатлар муфтийлари, таниқли уламолар, исломшунос тадқиқотчи ва диний соҳа вакиллари иштирок этмоқда.



